



Хизмат Кўрсатиш Соҳасида Яширин Иқтисодиётни Қисқартириш Орқали Иқтисодий Самарадорликни Оширишнинг Устивор Йўналишлари.

Мамаюнус Қаршибоевич Пардаев

- Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори, иқтисод фанлари доктори.

Нажмиддин Рахматуллаевич Абдувоҳидов

Самарқанд вилояти солиқ бошқармаси ходими.

Аннотация: Бугунги кунда яширин иқтисодиёт кўлами мамлакатимизда жуда юқори даражани ташкил этмоқда. Бу эса жамият тараққиётига катта тўсиқ бўлиб келмоқда. Айниқса яширин иқтисодиёт кўлами, қурилиш, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларида анча юқори кўрсаткични ташкил этади. Мамлакатимиз ЯИМ таркибида хизматлар соҳаси улуши йилдан –йилга ўсиб боришига қарамасдан, ушбу соҳада яширин иқтисодиёт улуши ҳам юқориликча қолмоқда. Мазкур мақолада муаллифлар томонидан яширин иқтисодиётнинг халқаро ва мамлакатимиз миқёсдаги бугунги ҳолати, хизматлар соҳасида яширин иқтисодиёт кўлами уни баратараф этиш йўллари бўйича ўз тақлиф ва мулоҳазаларини ўртага ташлаган.

Калит сўзлар: яширин иқтисодиёт, ялпи ички маҳсулот, хизматлар соҳаси, яширин иқтисодиёт улуши, норасмий ишчи-хизматчилар, меҳнат муносабатлари.

Мамаюнус Қаршибоевич Пардаев

Нажмиддин Рахматуллаевич Абдувоҳидов

ПРИОРИТЕТНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ ПОВЫШЕНИЯ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ ЭФФЕКТИВНОСТИ ПУТЕМ СНИЖЕНИЯ СКРЫТОЙ ЭКОНОМИКИ В СФЕРЕ УСЛУГ.

Аннотация: На сегодняшний день масштабы теневой экономики в нашей стране достигают очень высокого уровня. Это является серьезным препятствием для развития общества. Особенно высокие показатели теневой экономики наблюдаются в строительстве, торговле и сфере услуг. Несмотря на то, что доля сферы услуг в ВВП нашей страны растет с каждым годом, доля теневой экономики в этой сфере остается на высоком уровне. В данной статье авторы рассматривают текущее состояние теневой экономики на международном и национальном уровнях, а также масштабы теневой экономики в сфере услуг и предлагают свои предложения и мнения по ее устранению.

Ключевые слова: теневая экономика, валовой внутренний продукт, сфера услуг, доля теневой экономики, неофициальные работники, трудовые отношения.

M.K.Pardaev, N.R.Abduvoxidov

PRIORITY DIRECTIONS FOR INCREASING ECONOMIC EFFICIENCY BY REDUCING THE HIDDEN ECONOMY IN THE SERVICES SECTOR.

Abstract: Currently, the scale of the shadow economy in our country is extremely high. This poses a significant obstacle to the development of society. The shadow economy is especially prevalent in sectors such as construction, trade, and services. Despite the fact that the share of the service sector in the country's GDP increases year by year, the share of the shadow economy in this sector remains high. In this article, the authors examine the current state of the



shadow economy on both international and national levels, focusing on the service sector. They offer their suggestions and thoughts on ways to eliminate the shadow economy.

Keywords: shadow economy, gross domestic product, service sector, share of the shadow economy, informal workers, labor relations.

Кириш. Ўзбекистон Миллий энциклопедиясида яширин иқтисодиёт ва унинг турларига куйидагича таъриф берилган:

ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТ (хуфия иқтисодиёт) деганда, иштирокчилар томонидан ошкора олиб борилмайдиган, давлат ва жамият томонидан назорат қилинмайдиган, солиқлар тўланмайдиган, расмий давлат статистикасида қайд этилмайдиган иқтисодий жараёнлар, иқтисодий фаолият турлари тушунилади. Яширин иқтисодиёт мураккаб кўп босқичли ходиса, унинг тур ва шакллари хилма-хил.

Яширин иқтисодиёт мақсади, фаолияти ва иқтисодий ижтимоий оқибатларига кўра бир неча турларга бўлинади:

1) жиноий иқтисодий фаолият (мас, наркобизнес, порнобизнес, қурол бизнеси ва х. к.).

2) ғайриқонуний, ғайрииқтисодий усуллар билан даромадларни қайта тақсимлаб ўзлаштириб олиш (масалан, ўғирлик, босқинчилик, рэкет, порахўрлик);

3) иккиламчи иқтисодиёт — кишиларга зарар келтирмайдиган, улар учун наф берадиган, лекин расман рухсат этилмаган ва давлат рўйхатидан ўтмаган иқтисодий фаолият.

4) расман рухсат этилган фаолият билан бирга қўшимча равишда яширин ишлаб чиқаришга қўл уриш, очиқ ишлайдиган корхоналарда қўшимча равишда ҳисобга кирмаган маҳсулот чиқариб, уни яширин сотиш;

5) мансабни суиистеъмол қилиш ва коррупцияга асосланган иқтисодий хатти-ҳаракатлар (мас, давлат идораларидаги порахўрлик, яширин лоббизм, мансабдан фойдаланиб субсидиялар олиш ва ҳақ.);

б) қалбакилаштирилган иқтисодий фаолият, бу иқтисодиёт давлат секторига хос бўлиб, давлатни алдашга қаратилади. Бунинг энг яққол намунаси давлат секторига қўшиб ёзишлар, қилинмаган ишлар учун давлатдан ҳақ олиш ва бошқалар (1).

Бугунги кунда “Яширин иқтисодиёт” тушунчаси, турли адабиётларда турлича атамалар билан ишлатилиб келинмоқда. Жумладан “Яширин иқтисодиёт”, “Хуфияна иқтисодиёт”, “Соядаги иқтисодиёт”, “Норасмий иқтисодиёт”, “Қора иқтисодиёт” сингари.

Бизнинг фикримизча мазкур иқтисодий жараённи ёритишда умумий тарзда “Яширин иқтисодиёт” атамасидан фойдаланиш мантиқан тўғри бўлади. Мисол учун тегишли тартибда давлат рўйхатидан ўтиб, фаолият юритаётган лекин фаолиятини бир қисмини яширин тарзда амалга ошираётган субъектларга нисбатан “Хуфияна” атамаси мантиқан мос эмас.

Мазкур иқтисодий жараён қандай номланишидан қатъий назар, жамиятда ушбу иқтисодий жараённинг мавжудлиги - жамият тараққиёти учун жуда хавфли тўсиқдир. Яширин иқтисодиёт улуши барча дунё мамлакатлари иқтисодиётида кузатилади, уни тўлиқ бартараф этиш имконияти йўқ, фақатгина унинг улушини минимал даражага тушириш чоралари кўрилиши лозим.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Халқаро миқёсда яширин иқтисодиёт муаммоларини тадқиқ қилган олим ва тадқиқотчилар жумласига: Э.Шутҳерланд, К. Ҳарт, Э.Файге, Р. Гутманн, Г.Ямада, А.Портес, С.Сасс эн-Кооб, Д.Меад, С.Морриссон, Б.Даллаго, Ф.Шнайдер, А.Буех, П.Лемиеукс, С.Виллиамс, Д.Андревс, А.Санчез, А.Жонссон, Л.Фелд, С.Ларсен, Р.Делл Анно ва бошқалар (2). Мамалакатимизда ушбу



соҳада илмий тадқиқот олиб борган олим ва тадқиқотчилар жумласига: А.Ўлмасов, Ш.Қобилов, К.Мамбетжанов, А.Худойназаров, А.Ахмадалиев, Н.Абулқосимов, Н.Мўминов, Р.М. Алимов, В.Н. Галкин, З.С. Зарипов, Т.В. Иминов, А.Т. Исаходжаев, И. Исмоилов, Қ. Миражонов, А.А. Ортиқов, Х. Одилқориев, И.Рустамов, З.К. Тошев кабиларни киритиш мумкин.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот жараёнида мантикий ёндошув, қиёсий таҳлил, гуруҳлаш, индукция ва дедукция, макон ва замон, таҳлил ва синтез ҳамда иқтисодий таҳлилнинг бошқа усулларидан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Халқаро миқёсда яширин иқтисодиёт ўтган асрнинг 30-йилларидан бошлаб ўрганила бошланган бўлса, унинг илмий тадқиқ қилиш ўтган асрнинг 70-йилларидан бошланган.

Яширин иқтисодиётнинг вужудга келиш сабаблари ва омиллари хилма хил бўлиб, уларни умумлаштирган ҳолда қуйидагиларга бўлиш мумкин:

- антропологик омиллар(инсоннинг қарама-қарши табиати);
- иқтисодий омиллар(давлатнинг солиқ сиёсатидаги камчиликлари, бозорнинг тўйинганлик даражаси, аҳоли харид қобилиятининг пастлиги);
- хукукий омиллар(қонунчилик базасини такомиллашмаганлиги, иқтисодий жиноятчиликка қарши курашиш механизмнинг мукамал эмаслиги, хукукни химоя қилиш органлари фаолиятининг самарасизлиги);
- ижтимоий сиёсий омиллар(ижтимоий-сиёсий вазият, давлатга ишонч даражаси, аҳолининг ижтимоий психологик кайфияти, давлатнинг хусусий мулкга муносабати);
- ижтимоий омиллар(аҳолининг табақаланиш даражаси, ишсизлик даражаси, иш ҳақи тизими, ижтимоий кафолатлар, пенсия таъминоти);

Маъмурий омиллар(давлат бошқарув тизимидаги камчиликлар, бюрократия, тадбиркорларга маъмурий босим ва мажбурий ҳомийликга жаб этиш ва бошқ.)

Мамлакатдаги Яширин иқтисодиёт улуши ва коррупция даражаси бир-бирига бевосита боғлиқ жараёнлардир. Қайси малакатда коррупция даражаси юқори бўлса, яширин иқтисодиёт улуши ҳам юқори бўлади ва аксинча.

Шунинг учун айрим олимлар, жумладан Фернандо Де Сато “Бошқа йўл” асарида - “яширин иқтисодиёт- халқнинг коррупциялашган давлатнинг қашшоқлашаётган аҳолининг асосий эҳтиёжларини қондиришга лаёқатсизлигига нисбатан стихияли ва ижодий реакцияси(жавоби)”-деб ҳам таъриф беришган.

“Яширин иқтисодиёт” улушини ҳисоблаб чиқаришнинг турли усуллари мавжуд. Уларни умумлаштириб иккита асосий тоифага бўлиш мумкин:

- микроусуллар(бевосита)-бунда сўровлар, танланма кузатувлар, солиқ текширувлари орқали амалга оширилади;
- макроусуллар(билвосита)-бунда монетар усуллар, иш билан бандлик таркиби ва натижалари бўйича усуллар, баланс усуллари орқали аниқланади (3).

Мамлакатдаги коррупция даражаси, ушбу мамлакатдаги яширин иқтисодиётни номоён бўлишининг бир кўринишидир.

«TRANSPARENSY INTERNATIONAL» халқаро нодавлат ташкилотининг эълон қилган ахборотида кўра 2023 йилда Ўзбекистон 180 та мамлакат ичида коррупция даражаси бўйича 121 –ўринда эканлиги қайд этилган.

2019 йилда “Бирлашган миллатлар ташкилотининг ривожланиш дастури” (ПРООН) ташкилоти тадқиқ қилиб, унда Ўзбекистонда яширин иқтисодиёт улуши умумий ҳисобда ЯИМга нисбатан 40-50 фоиз эканлиги қайд этилган.

Худди шунингдек халқаро нодавлат нотижорат “Буюк келажак” ташкилоти томонидан 2019 йилда Ўзбекистонда яширин иқтисодиёт улуши ЯИМга нисбатан 50 фоиздан ортиқ эканлигини қайд этган. Бу эса Халқаро валюта жамғармаси(МВФ)



рейтинги бўйича Ўзбекистон 159 та давлат орасида 152-ўринда эканлигини ўз ахборотларида кўрсатиб ўтган.

Яширин иқтисодиётнинг асосий салбий оқибатларидан бири бу норасмий ишловчи ишчилардир. Жаҳон банки кузатув маълумотлари бўйича 2019 йилда Ўзбекистонда жами 13,2 млн аҳоли иш билан банд бўлса, шундан 7,9 млн ёки 59,8 фоизи норасмий секторда фаолият кўрсатаётганлигини кўрсатиб ўтган (4).

Ўзбекистонда яширин иқтисодиёт улушини халқаро рейтинг ташкилотлари маълумотларида 2019 йилгача бўлган давр учун учратмайсиз. Бу дегани мамлакатимизда 2019 йилгача яширин иқтисодиёт бўлмаган дегани эмас, балким мамлакатимиздаги масъул идораларнинг мазкур рейтинг ташкилотлари билан ҳамкорлик қилмаганлигидир.

Фақатгина 2019 йилда мамлакатимизга халқаро молия институтларининг экспертлари жалб этилиб, Республикаимизнинг 700 дан ортиқ юридик шахс мақомидаги шу жумладан 300 га яқин хизматлар соҳасида фаолият юритувчи юридик шахсларда кузатувлар ўтказган ва яширин иқтисодиёт кўламига баҳо берилган.

Дунё иқтисодчи олимлари томонидан мамлакатда ЯИМга нисбатан яширин иқтисодиёт улуши 40-50 фоизни ташкил этиши, бу “хавфли бўсаға” ҳисобланиши ва бу “бўсаға”дан ўтган мамлакатлар иқтисодиёти оғир аҳволга тушган деб ҳисобланишини қайд этганлар (5).

Минг афеуслар бўлсинким, Ўзбекистон иқтисодиётида ҳам яширин иқтисодиёт улуши ЯИМга нисбатан умумий ҳисобда 40-50 фоизни ташкил этиши халқаро молия институтлари ахборотларида ва илмий тадқиқот ишларида қайд этилиб келинмоқда. Бу кўрсаткич қурилиш, савдо ва хизматлар соҳасида ундан ҳам юқори улушни ташкил этади.

Хусусан, А.А.Маганинг “Анализ масштабов теневой экономики в Республике Узбекистан” номли илмий мақоласида Ўзбекистонда яширин иқтисодиёт кўламини 2000-2018 йиллар якуни бўйича ЯИМдаги ҳажми бўйича баҳолаган(мақолада бир неча баҳолаш усулларида фойдаланган, биз фақатгина Ф.Кейган(Каган) усулида баҳоланган қисмига эътибор қаратамиз). Ушбу давр давомида Ўзбекистонда яширин иқтисодиётнинг ЯИМдаги улуши 38,2 фоиз(2000)дан 52,1 фоиз(2018)гача тебраниб турганлиги фақатгина 2013 йилда 102,9 фоизга чиққанлиги қайд этилган (6).

Юқоридаги халқаро институтлар ва рейтинг ташкилотларидан ташқари, мамлакатимиздаги олимлар ва илмий тадқиқотчилар ҳам яширин иқтисодиёт кўламини аниқлаш ва баргараф этиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бормоқда.

Жумладан, Макроиқтисодиёт ва ҳудудларни тадқиқ қилиш институти (МХТИ) илмий ходимлари Д.Жалилов, Н.Ахмедовалар мамлакатимизда яширин иқтисодиётнинг 2005-2022 йиллар бўйича ЯИМдаги улушига баҳо берганлар. Ушбу илмий тадқиқотда яширин иқтисодиёт ЯИМга нисбатан 2005 йил 30,9 фоизни 2022 йил якуни билан эса 53,2 фоизни ташкил этганлигини қайд этган (7).

Бундан ташқари А.Ахмадалиев, А.Худойназаровлар ҳам Ўзбекистонда яширин иқтисодиёт кўламини ўзларини илмий тадқиқотларида турли усулларда баҳолаганлар (2).

Худди шунингдек Мамлакатимизда яширин иқтисодиёт ва уни иқтисодиётдаги кўламини камайтириш йўналишдаги илмий тадқиқотлар ҳам охириги 5 йил давомида анча фаоллашганлиги кузатилмоқда.

Баҳолаш натижалари бўйича аниқланган рақамлар, мамлакатимиз иқтисодиёти дунё иқтисодчи олимлари хулосаси бўйича “оғир аҳволга тушган иқтисодиёт” тоифасига киришини кўрсатиб турибди.



Юқорида санаб ўтилган халқаро институтлар ва рейтинг ташкилотлари экспертларининг тавсия ва таклифларидан келиб чиқиб, 2020 йил 20 июнда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 394-сонли “Ўзбекистон Республикасида “Яширин иқтисодиёт” улушини қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ва 2020 йил 30 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Яширин иқтисодиётни қисқартириш ва солиқ органлари фаолиятини самарадорлигини ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6098-сонли фармони қабул қилинди.

Вазирлар Маҳкамасининг юқоридаги қарорида мамлакатимизда биринчи бор яширин иқтисодиёт кўламини иқтисодиёт тармоқлари ва соҳалар кесимида аниқлаш методологиясини қабул қилишга кўрсатма берилиб (Вазирлар Маҳкамасининг 20.06.2020 й.даги 394-сон қарори билан тасдиқланган “Йўл харитаси”нинг 4-банди) тегишли вазирлик, идоралар масъул этиб, амалга ошириш бўйича бир йиллик муддат белгиланган. Лекин мазкур қарорда белгиланган муддатлар ўтиб кетган бўлишига қарамаздан, мамлакатимизда яширин иқтисодиёт улушини аниқлашда қайси халқаро методларни қўллаш, уни тармоқлар ва соҳалар кесимида аниқлаш бўйича аниқ бир ечимга келинмади.

Фақатгина 2024 йилнинг август ойига келибгина, Ўзбекистон Республикаси президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги веб сайти орқали яширин иқтисодиёт ва унинг тармоқлар ва ЯИМдаги улуши тўғрисидаги 2017-2023 йиллар бўйича ахборотлар расмий равишда эълон қилинди.

Бу мамлакатимиз тарихида расмий идоралар томонидан биринчи марта яширин иқтисодиётга оид эълон қилинган статистик маълумотлардир.

Агентлик норасмий ва яширин иқтисодиёт ҳажмини баҳолашда халқаро ташкилотлар (Халқаро валюта жамғармаси) тавсиялари ҳамда хорижий давлатлар тажрибалардан фойдаланилган ҳолда, танланма статистика кузатувлари натижалари ва маъмурий маълумотлар асосида амалга оширилганини қайд этган.

Агентлик мамлакатимизда яширин иқтисодиётни икки тоифага, **Норасмий иқтисодиёт** ва **Яширин иқтисодиётга** ажратган ҳолда баҳолаган ва ушбу атамаларга таъриф берган. Жумладан,

Норасмий иқтисодиёт-уй хўжаликлари ёки жисмоний шахслар томонидан белгиланган тартибда рўйхатдан ўтмаган ҳолда амалга ошириладиган ишлаб чиқариш(хизмат кўрсатиш) билан боғлиқ иқтисодий фаолият;

Яширин иқтисодиёт-қонун билан ман этилмаган, аммо солиққа тортилмаслик ва қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилмаслик мақсадида давлат органларидан атайлаб беркитилган иқтисодий фаолият.

Агентлик норасмий ва яширин иқтисодиётни тармоқлар кесимида алоҳида-алоҳида ва иккаласини жамлаган ҳолда ҳам тақдим этган (1-жадвал).

1-


жадвал

Ўзбекистон Республикасида 2021-2023 йиллар якуни бўйича **яширин иқтисодиёт** ҳажми ва унинг ЯИМда улуши тўғрисида

МАЪЛУМОТ*

(ҳажми млрд сўм, улуши %)

| Иқтисодиёт тармоқлари | 2019 | | 2020 | | 2021 | | 2022 | | 2023 | |
|-----------------------|----------------|------------|----------------|------------|----------------|------------|----------------|------------|----------------|------------|
| | ҳажми | улуши | ҳажми | луши | ҳажми | улуши | ҳажми | улуши | ҳажми | улуши |
| ЖАМИ | 46157,5 | 7,8 | 46309,4 | 6,9 | 62842,0 | 7,7 | 77529,3 | 7,8 | 99581,7 | 8,4 |



| | | | | | | | | | | | |
|---|--|---------|------|---------|------|---------|------|---------|------|---------|------|
| 1 | Қишлоқ хўжалиги, ўрмон ва балиқ хўжалиги** | 0,0 | 0,0 | 0,0 | 0,0 | 0,0 | 0,0 | 0,0 | 0,0 | 0,0 | 0,0 |
| 2 | Саноат | 6219,4 | 4,3 | 7020,1 | 4,3 | 11011,9 | 5,4 | 10433,5 | 4,3 | 12256,0 | 4,4 |
| 3 | Қурилиш | 7810,0 | 17,3 | 6511,6 | 12,5 | 7772,0 | 12,2 | 7139,0 | 9,8 | 8053,4 | 9,5 |
| 4 | Хизматлар | 32128,1 | 14,0 | 32777,7 | 12,6 | 44058,1 | 13,7 | 59956,8 | 14,5 | 79272,2 | 15,1 |

* Статистика Агентлиги маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тайёрланган

**Қишлоқ хўжалиги бўйича маълумот киритилмаган.

Хизматлар соҳасининг ЯИМдаги улуши йилдан-йилга ортиб боришига ҳамоҳанг ҳолда, соҳадаги яширин иқтисодиёт улуши ҳам ортиб бормоқда.

2019 йил якуни бўйича мамлакатимизда хизматлар соҳасида **яширин иқтисодиёт** ҳажми 32128,1 млрд сўмни ташкил этган бўлса, ЯИМдаги улуши 14,0 фоизни, жами яширин иқтисодиёт ҳажмида эса 69,6 фоизни ташкил этган. Бу кўрсаткич 2023 йил якуни бўйича 79272,2 млрд сўмни, ЯИМдаги улуши эса 15,1 фоизни, жами яширин иқтисодиёт ҳажмида эса 79,6 фоизни ташкил этганлиги қайд этилган (1-жадвал). Бундан кўриниб турибдики, хизматлар соҳасида яширин иқтисодиёт ҳажми камайиш ўрнига йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Худди шунингдек агентликни **норасмий иқтисодиёт** ҳажми ва унинг ЯИМда улуши бўйича эълон қилган маълумотларида ҳам хизматлар соҳаси тармоғи қишлоқ хўжалигидан кейинги ўриндаги тармоқ сифатида қайд этилиб, 2019 йил якуни бўйича хизматлар соҳасида норасмий иқтисодиёт ҳажми 69501,0 млрд сўмни, ЯИМдаги улуши 30,3 фоизни, жами норасмий иқтисодиёт ҳажмида эса 37,5 фоизни ташкил этган. 2023 йил якуни бўйича эса 126035,9 млрд сўмни, ЯИМдаги улуши 24,1 фоизни, умумий норасмий иқтисодиётдаги улуши 38,9 фоизни ташкил этганлиги қайд этилган (2-жадвал).

Агентликнинг норасмий иқтисодиёт ва яширин иқтисодиёт бўйича **умумлаштирма** маълумоти бўйича 2019 йил якуни бўйича хизматлар соҳаси ҳажми 101629,0 млрд сўмни, ЯИМдаги улуши 44,3 фоизни, жами ҳажмда эса 43,9 фоизни, 2023 йил якуни бўйича эса 205308,1 млрд сўмни, ЯИМдаги улуши 39,2 фоизни, жами ҳажмда эса 48,5 фоизни ташкил этиб, беш йил давомида 103679,1 млрд сўмга ёки икки баробар ҳажмга ўсган(3-жадвал) (8).

3-


жадвал

Ўзбекистон Республикасида 2021-2023 йиллар якуни бўйича жами норасмий ва яширин иқтисодиёт ҳажми ва унинг ЯИМда улуши тўғрисида

М А Ё Л У М О Т*

(ҳажми, млрд сўм, улуши %)

| Иқтисодиёт тармоқлари | 2019 | | 2020 | | 2021 | | 2022 | | 2023 | |
|-----------------------|----------|------|----------|------|----------|------|----------|------|----------|------|
| | ҳажми | луши | ҳажми | луши | ҳажми | луши | ҳажми | луши | ҳажми | луши |
| ЖАМИ | 231362,5 | 38,9 | 253177,5 | 37,9 | 306386,9 | 37,3 | 348805,1 | 35,0 | 422872,5 | 35,5 |



| | | | | | | | | | | | |
|---|---------------------------------------|----------|------|----------|------|----------|------|----------|------|----------|------|
| 1 | Қишлоқ хўжалиги, ўрмон балик хўжалиги | 88550,4 | 68,2 | 100736,0 | 66,9 | 118850,1 | 65,4 | 129895,6 | 62,2 | 155508,3 | 63,4 |
| 2 | Саноат | 19992,3 | 13,8 | 20924,8 | 12,9 | 23434,7 | 11,9 | 22194,3 | 9,2 | 26858,4 | 9,6 |
| 3 | Қурилиш | 21190,7 | 46,9 | 22194,4 | 42,7 | 27511,1 | 43,3 | 29751,5 | 40,6 | 35197,7 | 41,4 |
| 4 | Хизматлар | 101629,0 | 44,3 | 109322,3 | 42,2 | 136591,0 | 42,6 | 166963,7 | 40,4 | 205308,1 | 39,2 |

* Статистика Агентлиги маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тайёрланган

Шу ерда бир нарсани қайд этиш керакки, Статистика агентлигининг мазкур эълон қилган ахбороти биринчи бор эълон қилинаётганлиги сабабли, унда хато ва камчиликлар кузатилиши табиий ҳол, шунинг учун олимларимиз ва илмий ходимлар томонидан билдирилган илмий-танқидий фикр ва таклифларни инобатга олган ҳолда такомиллаштириб борилади деган умиддамиз.

Жумладан, Агентлик томонидан яширин иқтисодиётга оид терминларни қўллашда иқтисодчи олимлар томонидан қўлланилган илмий терминларни қўллаш, норасмий иқтисодиётни баҳолашда қишлоқ хўжалиги қисмида фуқароларимиз томонидан ўз томорқаларида етиштирадиган қишлоқ хўжалиги экинлари етиштириш ва уй ҳайвонларини боқиш бўйича (айрим экин турлари ва уй ҳайвонлари бундан мустасно) мамлакатимизнинг амалдаги қонунчилиги бўйича белгиланган тартибда рўйхатдан ўтиш ва ҳисобот тақдим этиш мажбурияти белгиланмаган. Шунинг учун бу жараёни норасмий иқтисодиёт деб баҳолаб бўлмайди. Агар баҳоладиган бўлса, унда норасмий иқтисодиётга берилган таърифни шунга мослаштириш лозим.

Ҳақиқатдан ҳам ҳозирги вақтда халқаро миқёсда ҳам, МДҲ давлатларида ҳам яширин иқтисодиётга оид атамаларни қўллаш ва уни баҳолаш бўйича бирхиллилик ёндашуви мавжуд эмас. Масалан Россия федерациясида Статистика қўмитасининг 1998 йил 31 январдаги “Яширин(норасмий) иқтисодиётнинг баҳолаш бўйича асосий услубий низом” қарори қабул қилинган бўлиб, яширин иқтисодиёт кўрсаткичлари мазкур меъёрий ҳужжат асосида тайёрланади (9).

Ўзбекистонда ҳам Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 июндаги 394-сонли қарорида яширин иқтисодиётни тармоқлар ва соҳалар кесимида аниқлаш услубини ишлаб чиқиш белгиланган бўлсада, бугунги кунгача бу меъёрий ҳужжат қабул қилинмади.


2-

жадвал

**Ўзбекистон Республикасида 2021-2023 йиллар якуни бўйича норасмий иқтисодиёт ҳажми ва унинг ЯИМда улуши тўғрисида
МА Ё Л У М О Т***

(ҳажми млрд сўм, улуши %)

| Иқтисодиёт тармоқлари | 2019 | | 2020 | | 2021 | | 2022 | | 2023 | |
|-----------------------|-----------------|-------------|-----------------|-------------|-----------------|-------------|-----------------|-------------|-----------------|-------------|
| | ҳажми | улуши | ҳажми | улуши | ҳажми | улуши | ҳажми | улуши | ҳажми | улуши |
| ЖАМИ | 185205,0 | 31,1 | 206868,1 | 31,0 | 243544,9 | 29,7 | 271275,8 | 27,2 | 323290,9 | 27,1 |



| | | | | | | | | | | | |
|---|---------------------------------------|---------|------|----------|------|----------|------|----------|------|----------|------|
| 1 | Қишлоқ хўжалиги, ўрмон балик хўжалиги | 88550,4 | 68,2 | 100736,0 | 66,9 | 118850,1 | 65,4 | 129895,6 | 62,2 | 155508,3 | 63,4 |
| 2 | Саноат | 13772,9 | 9,5 | 13904,8 | 8,6 | 12422,7 | 6,1 | 11760,8 | 4,9 | 14602,4 | 5,2 |
| 3 | Қурилиш | 13380,8 | 29,6 | 15682,8 | 30,2 | 19739,2 | 31,0 | 22612,5 | 30,9 | 27144,3 | 32,0 |
| 4 | Хизматлар | 69501,0 | 30,3 | 76544,5 | 29,5 | 92532,9 | 28,8 | 107006,9 | 25,9 | 126035,9 | 24,1 |

* Статистика Агентлиги маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тайёрланган

Хизматлар соҳасида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларида яширин иқтисодиёт ҳажмини камайтириш ва уларни расмий фаолият юритишларини рағбатлантириш мақсадида 2024 йил 30 август куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан тўртинчи очик мулоқатида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-132 сонли фармони қабул қилинди.

Фармоннинг 7.банди билан 2025 йил 1 январдан 2028 йил 1 январга қадар умумий овқатланиш корхоналари фойда солиғи ставкаси 50 фоизга камайрилиши, фармоннинг 8. банди билан 2024 йил 1 октябрдан бошлаб туроператорлик ва меҳмонхона хизматларини, 2025 йил 1 январдан бошлаб умумий овқатланиш хизмати кўрсатувчи тадбиркорлик субъектларга 2028 йил 1 январга қадар ҳар ойнинг 25 санасига қадар тўлаган қўшилган қиймат солиғининг бир қисмини ойлик товар айланмасининг нақд пулсиз(тўлов терминали ёки мобил тўловлар орқали) қисми улушига қараб (60 фоиздан ошганда тўланган сумманинг 40 фоизини, 60 фоиздан кам бўлганда тўланган сумманинг 20 фоизини) қайтариш тизими жорий этилмоқда.

Туроператорлик ва меҳмонхона хизматларини кўрсатувчи тадбиркорлик субъектларига–бюджетга тўланган қўшилган қиймат солиғини 20 фоизини қайтариш белгиланди(10).

Ушбу жорий этилаётган янги тартиб, хизматлар соҳасида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларини нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимидан фойдаланишини рағбатлантириб, натижада улардаги яширин иқтисодиёт улушини камайишига туртки бўлади.

Хулоса ва таклифлар. Мамлакатимизда яширин иқтисодиёт кўлами (шу жумладан хизматлар соҳасида) иқтисодиётимизни “оғир аҳволга тушган” тоифага келиб қолганлигидан келиб чиқиб, уни бартараф этиш учун кескин чора-тадбирлар белгиланиши лозим.

Юқоридагиларни инобатга олиб, қуйидаги таклифларни билдирамыз:

-Мамлакатда қонун устиворлиги у барча учун баробар эканлиги принципини қатъийлаштириш;

-Ҳукумат томонидан коррупция, монополияга қарши кураш (шу жумладан айрим тадбиркорлик субъектларига алоҳида солиқ, божхона имтиёзлари бериш амалиётидан воз кечиш) бўйича комплекс чоралар кўриш;

-Рақамли иқтисодиёт кўламини иқтисодиётнинг барча бўғинларида кенг жорий этиш бўйича стратегик чора-тадбирлар белгилаш;

-Солиқ юкини, банк кредит фоизларини оптималлаштириш;



-Давлат ва бошқа органлар маълумотлар базасини интеграциялаш жараёнларини тезлаштириш;

-Фуқароларнинг, шу жумладан мигрантларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоялаш бўйича амалий чора-тадбирларни амалга ошириш;

-Фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги, шу жумладан солиқ маданиятини ошириш бўйича тарғибот ишларини кучайтириш.

-Экспорт ва импорт жараёнларини соддалаштириш ва рақамлаштириш;

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. А.Ўлмасов, Ш.Қобилов. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, Я-ҳарфи, яширин иқтисодиёт);

2. В. Ю. Буров, Н. К. Алиев, М. С. Кязимов, А. А. Мага, А. Ахмадалиев, Ж. Б. Тумунбаярова, Д. Ю. Федотов, Н. Н. Ханчук, А. К. Худайназаров “Противодействие теневой экономике и определение её масштабов: отечественный и зарубежный опыт (теория и практика), Чита, ЗабГУ 2020, глава 5-6;

3. Ҳ.П.Абулқосимов, Н.Г.Мўминов, “Хуфиёна иқтисодиёт” Ўқув қўлланма, “Янги нашр”. Т.: 2020 304-б;

4. Қ.Қ.Мамбетжанов, “Концептуальные основы методов теневой экономики», «ALFRAGANUS» халқаро илмий журнали, 2023. №4;

5. Б.А.Тагаев, “Хуфиёна иқтисодиёт” иқтисодий хавфсизликка таҳдид сифатида, “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали №3 май-июнь 2015 йил;

6. А.А.Мага, “Анализ масштабов теневой экономики в Республике Узбекистан» часть 2, журнал «Теневая экономика» №1 январь-март 2020, том 4;

7. Д.Жалилов, Н.Ахмедова, “Ўзбекистонда яширин иқтисодиёт қўлами: баҳолаш натижалари ва уни қисқартириш бўйича таклифлар” 21.02.24 й., МХТИ веб сайти;

8. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги, STAT/UZ сайти, очиқ маълумотлар бўлимидаги ([\(norasmiy iqtisodiyot hajmi, yashirin iqtisodiyot hajmi, jami norasmiy va yashirin iqtisodiyot hajmi, norasmiy iqtisodiyotning YAIMdagi ulushi, yashirin iqtisodiyotning YAIMdagi ulushi, jami norasmiy va yashirin iqtisodiyotning YAIMdagi ulushi\).](#));

9. Д.Р.Орлова, “Теневая экономика”. Учебное пособие. 2-е изд., перераб. и доп. – М.: Мир науки, 2023.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30.08.2024й. даги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан тўртинчи очиқ мулоқатида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-132 сонли фармони.